

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2016 йил 4 август, № 150 (6585) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ЯПОНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

**Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасида кўп қиррали ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бормоқда.**



Икки мамлакатнинг маданий-гуманитар соҳадаги ўзаро ҳамкорлик муносабатларини янада ривожлантириш ва кенгайтириш мақсадида 2016 йил 3 август куни Япония Бош вазири Шиндзо Абэнинг рафиқаси Акиэ Абэ ҳамда япон маданият ва санъат намояндаларидан иборат делегация мамлакатимизга ташриф буюрди.

Тошкент халқаро аэропортида Япония Бош вазирининг рафиқаси Акиэ Абэни Ўзбекистон Республикаси Президентининг рафиқаси Татьяна Каримова кутиб олди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар Президентимизнинг 2002 йил июль ойида Японияга расмий ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида барқарор ривожланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил февраль ойида Японияга ҳамда Япония Бош вазирининг 2015 йил октябрда Ўзбекистонга расмий ташрифлари ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтарди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда маданий-гуманитар алоқалар муҳим аҳамият касб этмоқда. "Тараққиётга расмий ёрдам" дастури доирасида ҳамда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) орқали ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Японияда Ўзбекистон маданияти ва киноси кунлари ташкил этилмоқда. Кунчиқар юрт ижодкорлари мамлакатимизда ўтказилаётган халқаро анжуманлар, хусусан, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида фаол қатнашиб келмоқда.

Токиода буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилгани, Тошкентда Япон боғи ташкил этилгани, Ўзбекистон Бадиий академияси ҳузуридаги халқаро маданият карвонсаройига япониялик олим ва мусаввир Икуо Хираяма номи берилгани халқларимизнинг маданий яқинлиги ифодасидир.

Делегациянинг ташрифи давомида Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган япон аскарлари дафн этилган хотира мажмуасини зиёрат қилиш, Ўзбекистон Амалий санъат музейи билан танишиш, Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театрида Япониянинг "Драм Тао" ижодий жамоасининг концерт дастури намойиш этилиши белгиланган.

**ЎзА.**

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

# Ердан самарали ва оқилона фойдаланиш

**қишлоқ хўжалигини жадал равнақ топтиришнинг муҳим шарти, фаровон ҳаётимиз пойдеворидир**

Маълумотларга қараганда, XXI асрда жаҳонда юз бераётган глобал иқлим ўзгаришлари, ерларнинг яроқсиз ҳолатга келиши, биологик хилмахилликнинг камайиб бориши нафақат иқтисодиёт тармоқлари ривожи, балки инсониятнинг фаровон келажагига ҳам жиддий хавф солмоқда.

**ЖАРАЁН**

Сўнгги бир неча ўн йилликларда кўпгина мамлакатлар чўлланиш ва ерларнинг деградацияга учраши муаммоларини бошидан кечираётгани, оқибатда дунё бўйича қарийб 2 миллиард гектар ер майдони яроқсиз аҳволга келгани масаланинг нечоғли долзарб эканлигини кўрсатиб турибди.

Ана шундай мураккаб вазиятда юртимизда ер ресурсларини асраш, ундан самарали фойдаланиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилаётгани диққатга сазовордир. Ўзбекистон иқлим ўзгаришлари, чўлланишга қарши курашиш, биологик хилмахилликни сақлаш, бутунжаҳон маданий меросни муҳофаза қилишга доир конвенциялар ҳамда бошқа экологик йўналишдаги халқаро шартномаларга қўшилганки, бу мамлакатимизда мазкур йўналишда салмоқли ишлар олиб борилаётганидан далолат беради.

Аслида, республикамизда ердан оқилона фойдаланишга Юртбошимиз ташаббуси билан ҳали собиқ иттифоқ мавжуд бўлган даврдаёқ эътибор қаратила бошланган эди. Яъни 1989 йилда қишлоқ аҳолисининг шахсий ёрдамчи хўжаликларини ҳамда якка тартибда уй-жой қурилишини янада ривожлантиришга доир қабул қилинган Фармон асосида 400 минг гектар суғориладиган ер участкаси 2,5 миллиондан ортиқ оилага томорқа сифатида ажратиб берилди. Бу эса соҳадаги ислоҳотларнинг тамал тоши бўлди, аҳолининг руҳини кўтариб, келажакка умид ва ишончини уйғотди.

Бугунги кунда мамлакатимизда экинзорларнинг умумий майдони 4 миллион гектардан ортиқ. Шундан суғориладиган ерлар 3 миллион 285 минг гектарни ташкил этади. Буни, таъбир жоиз бўлса, юртимизнинг олтин фондига қиёслаш мумкин. Негаки, иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, саноат тармоқларини муҳим хом ашёлар билан кафолатли таъминлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш бевосита ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлашга боғлиқ.

Бу ҳақда фикр юритганда, Президентимизнинг қуйидаги сўзларини келтириб ўтиш ўринли: "Шу нарса барчамизга яхши маълум бўлиши керакки, биздаги ўта оғир сув тақчиллиги шароитида Ўзбекистон ерларининг фақатгина 10 фоизидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш мақсадларида фойдаланиш мумкин. Мамлакатимиз аҳолиси асосий қисмининг даромади ва фаровонлиги мана шу ердан самарали фойдалана олишимизга, унинг ҳосилдорлигини қай даражада сақлаб туришимизга боғлиқ эканини англаган ҳолда бу муаммо нақадар муҳим эканини тушунишимиз қийин эмас".

Дарҳақиқат, истиқлолнинг дастлабки йилларида соҳанинг ҳуқуқий асоси яратилиб, унинг ривожига янада жиддий эътибор қаратила бошланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, "Фермер хўжалиги тўғрисида", "Деҳқон хўжалиги тўғрисида" ҳамда "Давлат ер кадастри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва ҳукуматнинг бир қатор қарорлари қабул қилинди.

Ердан фойдаланиш, геодезия ҳамда картография соҳасидаги бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, ер муносабатларини тартибга солиш, Давлат кадастрлари ягона тизимини юритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 15 октябрдаги Фармонига асосан, Ер ресурслари давлат қўмитаси ҳамда Геодезия, картография ва давлат кадастри Бош бошқармаси тугатилиб, уларнинг негизида Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ташкил қилинди.

(Давоми 2-бетда).

**АВГУСТ — ҲОСИЛГА ҲОСИЛ ҚЎШИШ ЗАРБДОР ОЙИ**

Асад, яъни август ойи пахтакорлар учун масъулиятли даврдир. Чунки пахтачиликда айни шу паллада бажариладиган юмушларнинг аҳамияти, айниқса, беқиёс бўлиб, агротехника талабларига изчил амал қилинса, ғўзанинг ривожи тезлашиб, шоналар гулларга, гуллар кўсакларга айланади ва мўл ҳосилга мустаҳкам пойдевор қўйилади.

# Юксак хирмонга мустаҳкам замин



Бизнинг фермер хўжалигимиз жамоаси ҳам бир ёқадан бош чиқариб, ғўзанинг маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мос бўлган "Андижон-35" навини маромида парваришлаяпти. Ушбу навнинг афзал жиҳатлари кўп экан. Шулардан бири сувни кам талаб қилишидир. Масалан, ҳозирги пайтгача экинлар уч марта суғорилди. Қатор оралари эса сифатли қилиб юмшатилаяпти. Бу мағзи тўқ кўсаклар сони кўпайишида муҳим омил бўлмоқда.

Тажрибадан маълумки, ҳосил тўплашнинг асосий палласи саналган август ойида энг катта масъулият сувчи ҳамда механизатор зиммасига тушади. Шунинг учун ушбу касб эгалари бамаслаҳат, ҳамфикр бўлиб ишлаши керак. Бу эса самарадорлик янада юқори бўлишига хизмат қилади. Айтайлик, сувга қонган далага зудлик билан ишлов берилмаса, экин ғовлаб кетади. Культивация кечиктириб ўтказилса ҳам яхши эмас. Чунки намлик тез йўқотилиб, жўяклар қуриб, юзаси ёрилади. Оқибатда ғўзанинг илдизлари зарарланади, гул ва тугунчалари тўкилиб кетиши мумкин.

Мен меҳнат қилаётган фермер хўжалигида ҳозир асосий эътибор культивацияга қаратилган. Яъни ер етилиши билан далага культиватор киритилиб, тупроқ майин қилиб юмшатилмоқда. Бу жараёнда ҳосил шохлари ҳамда кўсакларга зарар етказмаслик учун тракторимнинг ишчи органларини "балиқ сирти"дек ўраб, ғилдираклар олдини суйри қилиб ҳимоялаганмиз.

Шуни ҳам айтиш жоизки, мазкур тадбирга пахтазорга қуёш тафти тушгандан сўнг киришилаётир. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки эрта саҳар ёки тунда ғўза мўртлашиб, синишга мойил бўлади.

Август ойида культивация қилишнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, экин майдонлари ғўза соясида ҳам ўсаверадиган шўра, итузум, қўйпечак, семизўт каби бегона ўтлардан буткул тозаланади. Натижада ғўзанинг илдиз тизимига ҳаво ва иссиқлик яхши ўтиб, кўсаклар сони ортади.

Деҳқонлар орасида "Пахтани темир пиширади" деган гап юради. Аслида ҳам шундай. Ғўза қатор ораларига қанчалик кўп ишлов берилса, экин ривожи шунчалик жадаллашиб, ҳосилнинг пишиб етилиш муддати тезлашади.

(Давоми 2-бетда).

Қашқадарё вилояти:

# ТАРАҚҚИЁТ ПИЛЛАПОЯЛАРИ




*Чорак аср... Бир қарашда, бу жуда қисқа муддат. Агар синчиклаб назар ташланса, таърифи минг йилларга етгулик бунёдкорлик, ободлик, яратувчанлик мўъжизалари кишини ҳайратга солади.*

*Бундан 25 — 30 йил муқаддам Қашқадарё чорвачиликда пешқадам бўлса-да, аҳолиси гўштни деярли бўм-бўш "магазин"ларда навбатда туриб, "талон"га харид қилар, газни олис ўлкаларга жўнатиб, қиш бўйи совуқда дилдирар, ичимлик сувини... Буям бир армон эди...*

Истиқлол Қашқадарёни кўкларга кўтарди, десак, муболаға бўлмас. Ҳозирги кунда юртимизда қазиб олинаётган газнинг 64, нефтнинг 67, газ конденсатининг эса 87,4 фоизи мазкур ҳудуд ҳиссасига тўғри келади. Воҳалик деҳқонлар мамлакатимиз бўйича энг кўп пахта ҳамда ғалла етиштиради. Албатта, бундай муваффақиятларга ўз-ўзидан эришилаётгани йўқ. Бунинг замирида заҳматли ва фидокорона меҳнат мужассам.

— Очиғи, Ислом Каримов Қашқадарёга биринчи раҳбар бўлиб келди-ю, эзилган кўнгилларимиз таскин топди, — дея хотираларини ёдга олади "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Январ Иноятов. — Сабаби, ҳудуд аҳли билан елкама-елка туриб, воҳамизга тиргак бўлиб, уни қўллаб-қувватлашга киришдилар. Секин-аста қаддимизни тикладик. Аҳолининг тушкун кайфияти кўтарилди. Келажакка ишончи уйғонди. Ўша йиллари биз вилоятимиз раҳбари тимсолида Ўзбекистоннинг фидойи фарзандини, ҳеч кимдан, ҳеч нарсадан чўчимайдиган, халқимиз учун ўзини бутунлай бағишлашга тайёр эртанги кунимизнинг қалқонини ҳис қилганмиз. Шу маънода, мустақиллик сари дадил қадамлар айнан Қашқадарёда қўйилган десак, хато бўлмайди. Зотан, тарих — муаллим, ўтган кунлар — сабоқ. Шу боис гоҳи-гоҳида ортга қараб, ўзимиз учун тўғри хулосалар чиқарамиз. Давлатимиз раҳбари яқинда Қашқадарёга сафари чоғида ана шу хусусда тўхталар экан, бугунги эркин ва фаровон замонда бошимиздан кечирган оғир кунларни ҳеч қачон унутмаслигимиз, мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаб, қадрига етиб яшаш барчамизнинг бурчимизга айланиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, ўтган йигирма беш йил давомида мамлакатимиз, хусусан, Қашқадарёда қанчадан-қанча тарихий янгиланишлар юз бермади, дейсиз?! Улкан бунёдкорлик ишлари шаҳару қишлоқлар, хонадонларимизга файзу барака олиб кирганичи? Энг муҳими, бугун одамларимизнинг нафақат турмуш тарзи, балки дунёқараши ҳам тубдан ўзгарди. Улар қалбида Ватанга дахлдорлик ҳисси ортди. Яратувчанлик туйғулари жўш урди. Бу эса юртимиз тараққиётини таъминловчи энг муҳим омиллардир. Албатта, бундай оламшумул янгиланишлар ҳақида ўйлар эканмиз, қалбимизда мамнуният, бугунги дориламон кунларга шукроналик ҳислари жўш уради. Эртанги кунимиздан, фарзандларимиз истиқболидан, порлоқ келажагимиздан кўнглимиз хотиржам тортади.

(Давоми 4-бетда).

*Олимпия ўйинларида қатнашиш мақсадида мезбон мамлакатга ташриф буюрган спорт делегациялари шарафига уларнинг давлат байроқларини кўтаришга бағишлаб тантанали тадбир ўтказиш яхши анъанага айланган.*



# Олимпия шаҳарчасида Ватанимиз байроғи кўтарилди

Унутилмас ва ҳаяжонли онларни тақдим этадиган бундай ўзига хос маросимларга ташкилотчилар доимо алоҳида тайёргарлик кўришади.

Тенглар ичра тенг бўлиб, тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақасида иқтидор ҳамда салоҳиятини намойиш қилиш учун Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрига етиб борган Ўзбекистон спорт делегацияси Олимпия шаҳарчасига жойлашди. Бу ерда иштирокчи мамлакатлар қаторида Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси янграб, давлат байроғи кўтарилди.

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда юртимиз спорт делегацияси аъзолари, Олимпия ўйинлари ташкилий қўмитаси, Рио-де-Жанейро шаҳри маъмурияти вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Байрамона руҳда кечган маросимда Олимпия шаҳарчаси мэри, баскетбол бўйича Бразилия терма жамоаси таркибида жаҳон чемпионлигига эришган ҳамда икки карра Олимпия ўйинлари совриндори бўлган Жанет дус Сантуш Аркаин Ўзбекистон спорт делегациясини XXXI ёзги Олимпия ўйинларига ташрифи билан қутлаб, ҳамюртларимизга бўлажак баҳсларда омад тилади.

(Давоми 2-бетда).

# Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлиги сақланмоқда

"Мудис" халқаро рейтинг агентлигининг кейинги 12 — 18 ой учун "Ўзбекистон банк тизимининг ривожланиш истиқболлари" янги ҳисоботи эълон қилинди. Унга кўра, мазкур нуфузли агентлик кетма-кет еттинчи марта мамлакатимиз банк тизими ривожланиш истиқболларини "Барқарор" даражасида қайта тасдиқлади.

**ЭЪТИРОФ**

Бу иқтисодиётимизнинг жадал суръатларда тараққий этиб бораётгани, унинг тармоқларига катта ҳажмда инвестициялар йўналтирилаётгани, тижорат банклари учун барқарор операцион муҳит яратилганининг яна бир амалий ифодаси, айни чоғда, юксак эътирофидир.

Дарҳақиқат, глобал молиявий-иқтисодий инқирознинг салбий таъсири ҳамон сезилиб турган ҳозирги мураккаб шароитда Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик таъминланаяпти. Иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари, айниқса, банк тизимида муттасил ўсиш суръатлари кузатилмоқда. Бинобарин, ҳозирги кунда республикамиз тижорат банклари даромадлилик даражаси бўйича МДҲ мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. "Мудис" агентлигининг қайд этишича, ушбу кўрсаткич келгусида ҳам сақланиб қолади ва бу, ўз навбатида, иқтисодиётни кредитлаш ҳажмини янада ошириш учун мустаҳкам ресурс манбаи бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда экспорт таркибининг диверсификация қилиниши, ундан тушган даромадлар эса инвестицияларни молиялаштиришга йўналтирилаётганлиги иқтисодиётнинг юқори суръатларда ривожланишида муҳим аҳамият касб этаяпти.

Ҳисоботда банклар активларининг ўсиш динамикаси ҳамда сифати ҳам юқори баҳоланган. Мазкур йўналишда келгусида ҳам ривожланиш тенденциялари кузатилиши прогноз қилинаётгани диққатга сазовор.

(Давоми 2-бетда).

# Олимпия шаҳарчасида Ватанимиз байроғи кўтарилди



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Давлатимиз байроғининг кўтарилишига бағишланган тадбир ҳаётимдаги энг ёрқин дамлардан бири сифатида хотирамда қолади, — дейди таэквондо (WTF) бўйича жаҳон чемпиони Дмитрий Шокин. — Беллашувларда муносиб қатнашиб, халқимиз, Президентимиз ишончини оқлаш учун бор маҳоратимизни ишга соламиз.

— Бугунги маросим қалбимизда озод ва обод юртимизга бўлган ҳурмат ҳамда эҳтиромни, фахр ва ифтихор туйғуларини янада жўш урдирди, — дейди юнон-рум кураши бўйича жаҳон чемпионати совриндори Элмурод Тасмуродов. — Биз тўрт йилликнинг энг йирик спорт анжуманида Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслигини яна бир бор намоён этишга астойдил бел боғлаганмиз. Ниятимиз, XXXI ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз номини янада улуғлашга ўз ҳиссамизни қўшиб, энг улуғ, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг йигирма беш йиллиги айёмига совға билан қайтиш.

Бу галги Олимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчилари академик эшкак эшиш, бадиий гимнастика, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, бокс, дзюдо, енгил атлетика, оғир атлетика, спорт гимнастикаси, стол тенниси, сузиш, таэквондо (WTF), теннис, трамполин, ўқ отиш, эркин ҳамда юнон-рум кураши каби қатор спорт турлари бўйича беллашади.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Икрамов сўзга чиқди.

**«Жаҳон» АА.**
Рио-де-Жанейро
Анвар ИЛЁСОВ олган суратлар.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Испаниянинг Куэнка шаҳрида (Кастилия — Ла-Манча мухтор ҳамжамияти) “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирлар” мавзуига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг Мадриддаги элчихонаси томонидан Кастилия — Ла-Манча университети билан ўзаро ҳамкорликда ташкил қилинган ушбу тадбирда минтақанинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил доиралари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда мазкур олий ўқув юртининг талаба ва ўқитувчилари қатнашди.

# «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури Испанияда тақдим этилди

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан 2016 йилнинг мамлакатимизда “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилингани хусусидаги маълумотларга алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, бунга мувофиқ қабул қилинган Давлат дастури соғлиқни сақлаш жабҳасини такомиллаштириш бўйича изчил ҳамда узлуксиз ишларни амалга оширишга кўмаклашмоқда. Ушбу муҳим ҳужжатда оила, оналик ва болалик муҳофазаси, тиббиёт муассасаларининг моддий-техника ҳамда кадрлар салоҳияти соҳаларига оид қонунчилик заминини мустаҳкамлаш вазифалари ҳам кўзда тутилгани айтиб ўтилди.

Учрашув якунлари бўйича тадбирнинг айрим қатнашчилари “Жаҳон” ахборот агентлиги учун берган интервьюлари чоғида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатдаги устуворликлар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Жумладан, **Кастилия — Ла-Манча мухтор ҳамжамияти вице-президенти Хосе Луиз Мартинес** ҳар йили республикамизда анъанавий равишда ижтимоий дастурларнинг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши ўзига хос ноёб институт эканлигини айтди.

— Бугунги кунда ижтимоий соҳага, жумладан, таълим ҳамда тиббиётга катта эътибор қаратилиши муҳим аҳамиятга эгадир, — деди у. — Статистика маълумотлари кейинги йилларда мамлакатингизда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари кескин пасайганини кўрсатмоқда. Бу ўсиб келаётган авлодга нисбатан давлатнинг чексиз ғамхўрлиги самарадорлигидан далолат беради. Мамлакатингизда 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилингани республиканинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига кўмаклашишига ишончим комил.

**Кастилия — Ла-Манча университети проректори Фатима Гуадамильяс Гомес** Ўзбекистон ҳукумати томонидан ёшларнинг баркамол равнақ топиши учун барча зарур шарт-шароит яратилгани катта эътиборга молик воқелик эканлигини таъкидлади.

— Тиббиёт ҳамда мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болалик муҳофазаси соҳасидаги қонунчилик ҳамда меъёрий-ҳуқуқий заминни янада такомиллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар аёллар ва болалар саломатлиги масалалари республикада устувор аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади, — дея баёнот берди Ф. Гуадамильяс Гомес. — Бу эса кўпгина мамлакатлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ўз навбатида, **Кастилия — Ла-Манча университети профессори Давид Лянос** қуйидаги фикрларни билдирди:

— Бугун бўлиб ўтган тадбир Ўзбекистонда таълим ҳамда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар билан яқиндан танишиш имкониятини яратди. Булар ҳар қандай мамлакатнинг тараққий топишидаги асосий йўналишлар сирасига киради. Университетимизда ўзбекистонлик бир неча талаба таҳсил олади. Биз уларнинг қиёфасида ҳам таълим тизимини такомиллаштириш ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаш бўйича республикада ҳаётга татбиқ этилаётган чора-тадбирларнинг ижобий натижасини кўришимиз мумкин.

**«Жаҳон» АА.**
Мадрид

# Ўзбекистон банк тизимининг барқарорлиги сақланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2016 йилда Ўзбекистон тижорат банкларининг умумий капитали 25 фоиз ўсиши кутилаётгани бунинг ёрқин далили сифатида келтирилади. Шу билан бирга, депозитлар ҳажмининг ошиши ҳисобига банкларнинг ликвидлик кўрсаткичининг юқорилиги таъминланади.

Агентлик хулосасига кўра, Ўзбекистонда кредит олишнинг тартиб-таомиллари соддалаштирилгани, йиллик фоиз ставкалари мақбуллаштирилгани, энг муҳими, бизнес юритиш учун қулай ишбилармонлик муҳити яратилгани туфайли кредитга бўлган талаб юқорилигича қолмоқда. Шу боис банк тизими томонидан 2016 йилда ҳам иқтисодий ўсишни рағбатлантиришнинг ички манбаларини излаб топиш, улардан самарали фойдаланиш борасида чора-тадбирлар дастури ҳаётга татбиқ этилаётгани эътиборга моликдир.

Бундан ташқари, янги депозит маҳсулотлари ишлаб чиқиш ва жорий этиш, омонатлар шартларини мақбуллаштириш, хизмат сифатини янада ошириш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилди. Бунинг самараси ўлароқ, 2015 йил якунлари бўйича МДҲ мамлакатлари ичида фақат Ўзбекистон банк тизими “Мудис” халқаро рейтинг агентлигининг “Барқарор” ривожланиш прогнозига сазовор бўлди.

Жаҳондаги етакчи халқаро рейтинг агентлиги томонидан мамлакатимиз банк тизими фаолиятига берилган юксак баҳо омонатчилар ва хорижий сармоядорларнинг Ўзбекистон банкларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаб, халқаро молия бозорларидаги нуфузининг бундан-да юксалишига асос бўлиб хизмат қилади, албатта.

**С. ИБОДУЛЛАЕВ.**

# Кичик бизнеснинг рақобатдош маҳсулотлари

Пойтахтимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан тайёрланаётган янги маҳсулотларнинг “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деб номланган тақдимоти бўлиб ўтди.

ТАДБИР

Мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлиги таъминланишида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг роли тобора ортмоқда. Зеро, истиқлол йилларида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишбилармонлар фаолияти қўллаб-қувватланаётгани, уларга қўшимча имтиёзлар берилаётгани муваффақиятларнинг бош омили бўлаётир. Натижада соҳа вакиллари ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш баробарида, экспорт ҳажмининг ўсишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этилган тақдимотга ташриф буюрганлар бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдилар.

Гап шундаки, унда пойтахтимизда фаолият юритаётган 40 га яқин тадбиркорлик субъектлари ва ҳунармандлар ўзларининг сара маҳсулотларини намойиш этдилар. Улар сифат кўрсаткичлари, бежирим дизайни билан хорижникидан асло қолишмайди. Шу боис ташқи бозорда тобора харидоргир бўлиб бораётир.

— Бугунги тадбирни ўтказишдан мақсад пойтахтимизда фаолиятини йўлга қўйган ишбилармонлар маҳсулотларини кенг оммага таништириш, улар ўртасидаги кооперация алоқаларини янада ривожлантиришдан иборат, — дейди Савдо-саноат палатасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бўлими бошлиғи ўринбосари Рустамбек Баратов. — Тақдим қилинган маҳсулотларнинг асосий қисми “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остида экспорт қилинаётгани, албатта, ҳаммамизга юксак ғурур бағишлайди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни йўлга қўяётган кичик бизнес субъектларининг сони йилдан-йилга ортиб бораётир. Улар томонидан тайёрланаётган маҳсулотлар эса сифатли ҳамда харидоргир.

— Буюртмачиларга “Ўзимизники” бренди остида икки йилдан бери трикотаж маҳсулотлари етказиб бераяпмиз, — дейди “Saipov Group” оилавий корхонаси маслаҳатчи-технологи Лемара Меджитова. — Дастлаб момиқ сочиқлар ишлаб чиқарган бўлсак, бугунги кунда унинг қаторига яна тўқсондан ортиқ трикотаж буюмлар ҳам қўшилди. Маҳсулотларимизга нафақат юртдошларимиз, балки хорижликлар ҳам қизиқиш билдиришаяпти ва айни пайтда экспорт бўйича келишув жараёнлари олиб борилаётир.

Тақдимотда тадбиркорлар ўз маҳсулотлари ҳақида йиғилганларга атрофлича маълумот беришди.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ.**

БУНЁДКОРЛИК

Андижон вилоятидаги “Асака адир” насос станцияси қайта таъмирланиб, фойдаланишга топширилди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, фермер хўжаликлари раҳбарлари, қурувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари, шунингдек, хорижлик ҳамкорлар ҳамда мутахассислар қатнашди.

# Адирлар боғларга бурканади

Мамлакатимизда ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигига замонавий ҳамда тежамкор технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, тоғли ҳудудлар, адирликларга сув чиқарилиб, янги боғ-роғлар барпо қилинаяпти, қўшимча равишда сабзавот, полиз экинлари етиштириш йўлга қўйилмоқда. Кейинги йилларда ушбу йўналишда Андижон вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилиб, муайян ютуқлар қўлга киритилаётир. Хусусан, яқинда Андижон ва Улуғнор туманларидаги насос станциялари қайта таъмирланиб, янги канал барпо этилгач, бир неча минг гектар майдондаги адирликларни ўзлаштириш имконияти юзага келди.

“Асака адир” насос станциясининг ишга туширилиши тизимдаги янгиланишларнинг мантиқий давоми бўлди. У орқали 180 метр баландликка сув чиқарилиб, Марҳамат туманидаги 1340 гектар, Асака туманининг 2270 гектардан зиёд ер майдонини обиҳаёт билан таъминлаш яхшиланди. Насос станциясини таъмирлаш “Жалақудуқсувмахсуспудрат” давлат унитар корхонаси қурувчилари томонидан қисқа муддатда сифатли бажарилди.

— Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барча тармоғи, хусусан, қишлоқ хўжалиги жадал ривожланаётганидан яхши хабардормиз, — деди лойиҳа иштирокчиси, Хитойнинг “China IPPR international Engineering” компанияси менежери Донг Ли. — Чунки мамлакатингизда ушбу соҳа равнақига алоҳида эътибор қаратилиб, кўплаб истиқболли лойиҳалар амалга оширилаяпти. Мазкур сув насосининг фойдаланишга топширилиши ҳам суғориладиган экин майдонларини кенгайтириш, озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.



Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

Лойиҳа доирасидаги юмушларни амалга ошириш учун 8,6 миллион АҚШ долларидан ортиқ маблағ йўналтирилиб, шундан қарийб 4 миллион 550 минг доллари хориждан энг замонавий техника, асбоб-ускуналар келтиришга сарфланди. Пировардида сув тақсимоти бевосита компьютер ёрдамида бошқарилиб, назорат этила бошлади.

— Мазкур лойиҳа нафақат биз, фермерлар, балки ҳудуддаги аҳоли учун ҳам қатор қулайликлар яратди, — дейди Марҳамат туманидаги “Шуҳрат” фермер хўжалиги раҳбари Тожимирза Нуриев. — Мисол учун, унинг шарофати билан биз деҳқончилик қилаётган 37,1 гектар майдондаги экинларни қондириб суғориш имконияти янада яхшиланди. Бундан ташқари, юзлаб аҳоли шахсий томорқаларининг ҳам сув таъминоти изга тушди.

“Асака адир” насос станцияси адирлар бағрида янги боғ-роғлар барпо этиш, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари етиштириш ҳажмини кўпайтириш, пировардида бозорларни ноз-неъматлар билан тўлдиришга хизмат қилади.

**Саминжон ҲУСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.**

# Миллий рақс жозибаси

## хорижликларни ҳам ўзига мафтун этди

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги “Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида уй олиш учун турмуш ўртоғим билан бирга ариза топшириб қўйган эдик.

ДИЛ СЎЗИ

Бир оз муддат ўтиб, ипотека кредити асосида имтиёзли равишда берилган “Камолот” уйларидан бирига эга бўлдик. Унинг қулайлиги шундаки, тижорат банклари бошланғич бадалсиз, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасига тенг бўлган фоизли ставка билан 20 йил муддатга, шу жумладан, 5 йиллик имтиёзли давр билан кредит беради. Бундай тураржойлар 30 ёшгача бўлган иқтидорли ёшларга ажратилаётганлиги эртамиз эгаларига қаратилаётган юксак эътибор ифодасидир.

Ўзим оддий ўқитувчиман. Лекин толеи баланд, бахтиёр ёшларнинг вакилиман, дея айта оламан. Вилоятдаги 8-ихтисослаштирилган мактаб-интернатида жисмоний тарбия фанидан дарс бераман. Спортнинг синхрон сузиш тури севимли машғулотимга айланган. “Сув париси” VII халқаро турнирида биринчиликни эгалладим.

Эпчил, чаққон ва нафис ҳаракатларини сув юзида ифодалаш маҳоратини эгаллаган синхрон сузувчи қизлар илгари европача, ҳиндча, испанча рақслар ижро этардилар. Ўзимизнинг миллий рақсларни ижро қилсам, дея бу орзуимга эришиш устида жиддий ишладим. Ишонасизми, нуфузли мусобақалардан бирида “Тановар”ни сув юзида ижро этганимдан ўзим ҳам завқланиб кетдим. Халқаро миқёсдаги ҳакамлар, экспертлар навонинг сўнгги жарангигача гулдурос қарсаклар билан олқишлаб турса, бошқача бўлар экан.

Бундан ташқари, “Нафосат лобарлари” мусобақаси, II Республика аёллар спартакиадаси, “Тўмарис” аёллар спорт фестивалида ғолиблар сафидан жой олдим. Андижон давлат университетига имтиёзли равишда қабул қилиниб, спорт устаси унвонини қўлга киритдим. Эндиликда билим ва тажрибаларимни ёшларга ўргатиб келаяпман. Шунинг баробарида, нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, бундан-да юқорироқ марраларни кўзлаяпман. Буларнинг барчаси мустақилликнинг, юртимиздаги тинчосуда ҳаётнинг натижаси эканлигини дилдан ҳис қилиб, қалбим ифтихорга тўлади.

**Мавлудахон ҒАФФОРОВА,
Избоскан туманидаги
8-ихтисослаштирилган
мактаб-интернати
жисмоний тарбия фани
ўқитувчиси.**

# Юксак хирмонга мустаҳкам замин

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу боис пахтанинг асосий қисми очилмагунча техникани даладан чиқармасликка қарор қилганмиз.

Қатор орасидан культиватор ўтганда, нафақат ғўзанинг ости юмшаб, ердаги ортиқча нам қочади, балки ниҳоллар бағрига шамол тегиб, озуқа олиши ҳам тезлашади. Фермер хўжалигимиз бошқа аъзоларининг фикри ҳам шундай. Улар, асосан, экинни кунора “варақлаб”, чала чеканкани қолдирмаслик, зараркунанда ҳашарот тарқалишининг олдини олиш мақсадида пайкалларга олтинкўз, трихограмма, бракон каби биомаҳсулотларни қўйиш сингари тадбирлар билан банд.

Мақсадимиз ой давомида бўлиқ кўсаклар ёнига яна 5-6 та мағзи тўқ кўсак қўшишдир. Ана шунда ҳар гектар ер ҳисобига 40 центнердан ҳосил етиштириш юзасидан зиммамизга олган шартномавий мажбуриятни ортиғи билан уддалашга мустаҳкам замин яратган бўламиз.

**Одилжон ЁҚУБОВ,
Наманган туманидаги «Олтин дала саховати»
фермер хўжалиги механизатори.**

# Ердан самарали ва оқилона фойдаланиш

## қишлоқ хўжалигини жадал равнақ топтиришнинг муҳим шарти, фаровон ҳаётимиз пойдеворидир

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ердан оқилона фойдаланиш ҳамда муҳофаза қилиш бўйича ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ер ресурсларини муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини олиб бориш, ушбу йўналишда дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш унинг асосий вазифалари қилиб белгиланди.

Шундан келиб чиқиб, тизимда ҳаётга татбиқ этилаётган изчил чора-тадбирлар туфайли муайян ютуқлар қўлга киритилди. Энг аввало, ҳар бир қарич ернинг ҳисоб-китобини юритиш имконини берадиган электрон хариталар яратилди. Бундан ташқари, автоматлаштирилган маълумотлар базаси шакллантирилди.

Ҳозирги пайтда ушбу электрон хариталар қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, мониторинг қилиш ишларини олиб боришда кенг қўлланилмоқда. Бу, ўз навбатида, ерлардан фойдаланишда учраётган салбий ҳолатларни тезкорлик билан аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар қабул қилиш имконини бераяпти.

Айтиш жоизки, соҳа мутахассислари томонидан ерга оид қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг изчил ижросини таъминлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини кенгроқ тушунтириш бўйича жойларда тарғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиш анъанага айланди. Натижада аҳолининг ер ресурсларига бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Энг муҳими, деҳқон ва фермер хўжаликларида ердан самарали фойдаланиш, уларни муҳофаза қилишга бўлган масъулияти янада ошди.

Албатта, бугунги ижобий натижаларга осонликча эришилгани йўқ. Сабаби, мустабид тузум даврида экин майдонларимизнинг 90 фоизида ғўза парваришланиб, алмашлаб экиш деган қоидага мутлақо амал қилинмаган. Фақат битта мақсадда бешафқат фойдаланилгани оқибатида тупроқ кучсизланиб, она-заминнинг “тинкаси қуриб” бораверган. Энг ачинарлиси, қишлоқ хўжалигига бундай номақбул ёндашув туфайли унумдор ерлар ва ажойиб табиий-иқлим шароитига эга бўлган Ўзбекистонда аҳоли гўшт ҳамда сут маҳсулотлари, ғалла ва ҳатто мева-сабзавот, картошка билан тўлиқ таъминланмаган.

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш тубдан ислоҳ қилиниб, маъмурий ҳамда режали-тақсимот тизимидан воз кечилди ва бозор муносабатларига ўтиш йўлидан борилди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида деҳқон ва фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ер участкалари 10 йилга ижарага берилар эди. Қишлоқ хўжалигида изчиллик билан олиб борилган кенг қамровли ислоҳотлар хўжалик юритиш, фермер ҳамда деҳқон хўжаликларини бошқариш тизимининг янгича босқичини тақозо этарди. 1998 йилда қабул қилинган “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борада муҳим омил бўлди. Унга кўра, фермер хўжаликларига ер участкалари узоқ муддатга, яъни 50 йилгача, бироқ 30 йилдан кам бўлмаган муддатга ижарага берилиши белгиланди.

Бугунги кунда фермерлик ҳаракати ҳақли равишда соҳанинг етакчи бўғинига айланиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи асосий куч мақомини олди. Натижада фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллиги таъминланди. Шубҳасиз, бу узоқ муддатга ижарага берилган ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ҳамда самарали фойдаланишни рағбатлантириш бўйича яратилган ҳуқуқий шарт-шароит ва кафолатлар шарофатидир.

Ҳозирги вақтда фермерлик ҳаракати ўз таркибида 160 мингдан зиёд фермер хўжалигини бирлаштирмоқда. Мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 90 фоизидан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, кун сайин мустаҳкамланиб, ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракати Ўзбекистонда ўзини тўла оқлади ҳамда бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Энг асосийси, ишга, ерга бўлган муносабатнинг ўзгариши, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлиги ортиши, фермер хўжаликларига давлат томонидан зарур имтиёз ва преференциялар берилиши туфайли экин майдонлари чинакам саховат манбаига айланди. Буни кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги экин ерларининг балл бонитети ошаётганлиги мисолида ҳам кўриш мумкин.

Гап шундаки, қисқа давр ичида суғориладиган қишлоқ хўжалиги ерларининг ўртача балл бонитети Наманган, Навоий ҳамда Хоразм вилоятларида ширкат хўжаликлари давридаги кўрсаткичга нисбатан 1, Қашқадарё вилоятида 1,5, Самарқанд вилоятида 2,3, Сирдарё вилоятида эса 2,5 балл ошди.

Эътиборлиси, бугунги кунда ҳар бир фермер ўзи фойдаланаётган ер майдонида тупроқларнинг хосса-хусусиятлари ва табиий унумдорлик даражаси тўғрисидаги муҳим кадастр маълумотларига эга. Шу маълумотлар асосида қишлоқ хўжалиги экинлари илмий асосланган ҳолда жойлаштирилмоқда. Натижада маҳсулот етиштириш ҳажми йил сайин кўпайиб, аҳолининг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи тўлиқ қондирилаяпти. Айни чоғда кўп миқдорда боғ ҳамда дала неъматлари экспорт қилиниб, соҳада самарадорлик ошиб бораётир.

Юртимизда тупроқ унумдорлигини пасайтирувчи омилларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар жорий йилда ҳам изчил давом эттирилаётир. Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида ушбу масалага алоҳида тўхталиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш 2016 йил ҳамда яқин истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизнинг принципиал муҳим йўналиши эканлигини алоҳида таъкидлади. Зеро, ҳамма вақт тириклик манбаи бўлиб келган ердан оқилона фойдаланиш қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шарти, фаровон ҳаётимизнинг мустаҳкам пойдеворидир.

**Саидқул АРАБОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ер ресурслари, геодезия,
картография ва давлат кадастри
давлат қўмитаси раиси.**

Бугун қайси бир жабҳани олманг, амалга оширилаётган ишлар, қўлга киритилаётган ютуқлар салмоғи асрларга татигуликдир. Яқин кунларда гўзал ва бетакрор Ватанимиз — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 25 йиллиги байрамини катта тантаналар билан нишонлаймиз. Тарихан қисқа давр мобайнида юртимиз ижтимоий-иқтисодий қиёфаси тубдан ўзгарди. Узоқни кўзлаб ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотлар халқимизнинг қаддини кўтарди, бунёдкорлик ғайрат-шижоатини юзага чиқарди. Пировардида мамлакатимиз жаҳонда жуда тез, ҳар томонлама барқарор ривожланаётган давлатлар қаторидан ўрин олди. Деярли ҳар бир соҳа тараққиётимизга мос равишда юксалди. Жумладан, банк тизими фаолияти ҳам халқаро андозалар даражасига кўтарилди ҳамда Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "ўзбек модели"ни ҳаётга муваффақиятли жорий қилишда ташаббус кўрсатиб, фаол иштирок этаяпти. Айни чоғда ишончли, барқарор ҳамда мустаҳкам банк тизими шакллантирилди.

# Аҳоли манфаатлари – устувор мақсад

Сўнгги беш йил давомида тижорат банкларининг жами активлари 3,1 баробар, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилаётган кредитлар умумий ҳажми эса 3,7 баробар кўпайди. Кўриниб турибдики, банклар ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги янгиланиш ва ўзгаришлар, умуман, ислоҳотларнинг самарадорлигини оширишда тобора ҳал қилувчи ўринга эга бўлиб бормоқда. Буни "Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Хусусан, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ҳамда техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни алоҳида қайд этиб ўтиш зарур. Иш тутумини халқаро андозалар асосида ташкил қилиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш, капиталлашув даражасини ошириш, ресурслар базасини мустаҳкамлаш, активлар сифатини яхшилаш, кўрсатилаётган банк хизматлари кўламини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар ҳам эътиборга моликдир. Жумладан, "Мудис" ҳамда "Стандарт энд Пурс" каби жаҳоннинг нуфузли халқаро рейтинг агентликлари томонидан "Ипотека-банк" АТИБнинг кўрсаткичлари "В2/В2" ва "В+/В" кўринишида тасдиқланиб, истиқболи "Барқарор" деб топилгани бежиз эмас.

Банкда хизмат кўрсатишнинг замонавий механизми ишлаб чиқилиб, амалиётга киритилгани, кредитлаш тизимида яратилган қулайликлар, валюта ҳамда нақд пул муомаласининг тартибга солингани банкнинг капиталлашуви ошишига, мижозларнинг ишончи тобора мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Чунончи, жорий йилнинг олти ойи мобайнида банк капитали 439 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 109 миллиард сўмга ёки 33,3 фоиз, жорий йил бошидаги кўрсаткич билан таққосланганда эса, 78 миллиард сўмга ёки 21,6 фоиз кўпайди. Қолаверса, устав капитали 270,1 миллиард сўмга етиб, бу борада 48,8 фоиз ўсишга эришилди.

Мижозлар учун жозибали, икки томонлама манфаатли омонат турларининг жорий қилинаётгани аҳолига манзур бўлмоқда. Шу боис жисмоний шахслар учун мўлжалланган миллий ва хорижий валютадаги янги омонат турларига юртдошларимизнинг 685,3 миллиард сўмлик бўш пул маблағлари жалб этилди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 30,1 фоиз зиёддир.

Мамлакатимиз тараққиёти хусусида гап кетганда, бунинг омили, авваламбор, иқтисодиётга йўналтирилган капитал маблағлар, инвестициялар ҳажмининг йил сайин ортиб бораётгани билан изоҳланади. Бинобарин, республикамизда фаол инвестиция сиёсати юритилиб, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ҳамда янгилаш бўйича изчил чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Бу жараёнда "Ипотека-банк" ҳам инвестициявий лойиҳаларни молиялаштиришга жиддий эътибор қаратаяпти. Хусусан, шу йилнинг олти ойи якунларига кўра, банкнинг кредит портфели 3,856 триллион сўмдан иборатлиги тасдиқланди. Мазкур маблағ ўтган йилнинг тегишли давридагига нисбатан 925,5 миллиард сўм ёки 31,6 фоиз ортиқ.

Иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришга оид лойиҳаларни молиялаштиришга 358,4 миллиард сўмлик кредитлар йўналтирилди. Пировардида 2015 йилнинг мос муддатидан фарқли равишда 35,5 миллиард сўм ёки 11 фоиз ўсишга эришилди.

Умуман, банк кредитларининг асосий қисми саноат, ишлаб чиқариш равнақига, моддий-техника таъминоти, қурилиш ва бунёдкорлик каби иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини қамраб олди.



## Замонавий хизматлар

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланишини қисқартириш, пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилишга доир долзарб вазифалар ижроси "Ипотека-банк" ютуқларини ўзида ифодалаб турибди. Жумладан, ўрнатилган терминаллар 19823 та, банкоматлар 98 та, тарқатилган пластик карточкалар айни пайтда 1 миллион 589 минг 87 тани ташкил этаётгани фикримиз исботидир. Ойдинлашадики, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан пластик карточкалар сони 303 мингтага, терминаллар сони эса 2 минг 208 тага кўпайган. Аҳолининг банк хизматларига бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, банк тармоғини янада кенгайтириш мақсадида 2016 йилнинг олти ойи мобайнида мамлакатимизнинг турли ҳудудларида қўшимча 36 та минибанк ишга туширилди. Натижада уларнинг сони 153 тага етди. Шу билан бирга, 59 та янги жамғарма ҳамда коммунал касса фаолияти йўлга қўйилгани ҳам эътиборга моликдир.

Ҳозир биз глобал дунёда яшаяпмиз. Демак, банклар ҳам ана шундай жадаллашган шароитга мослашиши, мижозларнинг талаб ва истакларига ҳамиша тайёр туриши шарт. Шу маънода, банкнинг барча филиалида халқаро пул ўтказмалари шохобчалари тармоғи ташкил қилингани, "Интернет-банкинг", "SMS-банкинг" хизмат турлари жорий этилиб, мижозларга кўрсатилаётган хизматлар сифати тобора яхшиланиб бораётгани айни муддао бўлаётир. "Ипотека-банк" тизимида илғор ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жисмоний ҳамда юридик шахслар учун масофадан туриб ўз ҳисобварақларини бошқариш тизимлари янада такомиллаштирилаяпти. Ҳозирги кунда "Ипотека-банк"нинг 19900 тага яқин хўжалик юритувчи субъектлари ойлик иш ҳақларини пластик карточкалар орқали олмоқда. Шу ўринда айтиш жоизки, пластик карточкалар билан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишда "Ипотека-банк" томонидан йўлга қўйилган "Электрон қайднома" тизими қўл келмоқда.

## Тадбиркорларнинг яқин ҳамкори

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси иқтисодиётимизнинг муҳим бўғини, тараққиётимизнинг ишончли локомотивидир. Янги иш жойлари яратиш, аҳоли даромадлари ҳамда турмуш фаровонлигини янада оширишда уларнинг ҳиссаси, айниқса, беқиёс бўлаяпти.

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган жами саноат маҳсулотларининг 37,3, кўрсатилаётган бозор хизматларининг деярли барчаси, товар экспортининг 24,4, иқтисодиёт тармоқларида банд бўлган аҳолининг 77,1 фоизи кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келаётгани ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Жорий йилда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилашга доир қабул қилинган ҳужжатларнинг изчил амалга оширилиши натижасида тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлганларга имтиёзли шартлар асосида кредитлар бериш ҳажми ортиб бормоқда. Таҳлилларга қараганда, энг кўп кичик бизнес субъектлари саноат, савдо ҳамда умумий овқатланиш соҳалари ва қурилиш тармоғида қайд қилинмоқда.

Кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик субъектларининг моддий-техника базасини замон талаблари асосида модернизациялаш, импорт ўрнини босишга қаратилган лойиҳаларини рўёбга чиқариш, умуман, ҳар қандай тадбиркорлик йўналишида астойдил, пухта ҳамда аниқ режага таяниб фаолият бошлаганларга кўмаклашиш, ҳамкорлик қилиш банкнинг устувор мақсадларидан ҳисобланади. 2016 йилнинг июль ойига қадар ушбу соҳага 595,5 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари берилгани ана шу эътиборнинг натижасидир.

Тадбиркорлик субъектларига шу пайтгача 38,8 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилгани ҳам қулай ишбилармонлик муҳитини яхшилашга доир эзгу саъй-ҳаракатлар нақадар кенг кўлам касб этганидан далолат беради. Ўз навбатида, тадбиркор аёллар фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун 65,9 миллиард сўмлик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 102,4 миллиард сўмлик, оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандлик истиқболига 7,3 миллиард сўмлик, тадбиркорликка қўл урган ёш оилаларга 7,7 миллиард сўмлик, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг лойиҳалари татбиғига 12,1 миллиард сўмлик кредитлар йўналтирилгани, бу 8 минг 472 нафар кишининг бандлигини таъминлашга хизмат қилгани қувонарлидир.

## Ёш оилалар доимий эътиборда

Ободликка юз тутган шаҳару қишлоқларимиз, файзу баракага йўғрилган тинч ва осойишта кунларимиз ҳикмати — халқимизнинг ғайрат-шижоати, давлатимизнинг оқилона сиёсати шарофатидандир. Юртдошларимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, фаровонлигини янада ошириш ниятида қабул қилинган дастурлар ижроси уларга шодлик улашаётгани кишига ўз фаолиятидан мамнунлик ҳиссини бағишлайди.

Бу борадаги ишлар Соғлом она ва бола йилида янада кенг кўлам касб этган бўлиб, бунда "Ипотека-банк"нинг ипотека кредитлари ёшларнинг ўз турар-жойларига эга бўлиш имконини яратмоқда. Зеро, 2016 йилнинг биринчи ярмида ипотека кредитларининг 55 фоизи ёш оилаларга, аниқроғи, 117 та ёш оилага 25,5 миллиард сўм ажратилди. Бунга қўшимча равишда 6 миллиард сўмлик истеъмол кредитлари, 7,7 миллиард сўмлик микрокредитлар ҳам ёш оилалар фаровонлигига йўналтирилди.

"Ипотека-банк" сармоялари асосида бунёд этилаётган кўп қаватли уйлар сони йил сайин кўпайиб, ёш оилаларга кредит эвазига топширилмоқда. Аҳоли кенг қатлами, шу жумладан, ёш оилалар учун вилоятлар марказлари ҳамда Тошкент шаҳрида 2968 та хонадондан иборат 100 та кўп қаватли уй қурилиши 404,8 миллиард сўмлик кредит маблағлари билан молиялаштирилди.

Бултур 44 та кўп қаватли тураржойда уй тўйлари нишонланган бўлса, 2016 йилда 224 хонадондан иборат 10 та кўп қаватли уй тўлиқ фойдаланишга топширилиши мўлжалланган. Ҳозирги пайтда мазкур уй-жойлар эгаларига ипотека кредитлари асосида расмийлаштирилмоқда. Шунингдек, жорий йилда республикамизнинг турли ҳудудларида яна 691 хонадонли 25 та уй қурилиши молиялаштирилади.

## Ислоҳотларга камарбаста

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури барча соҳа ва тармоқларга, шу қатори, "Ипотека-банк" жамоаси зиммасига ҳам улкан масъулият юклади. Президентимиз таъкидлаганидек, "Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади".

Дарҳақиқат, фарзандларимиз саломатлиги жамиятимизнинг келгусида янада гуллаб-яшнаши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Айнан шу нуқтаи назардан ёндашиб, аҳолининг тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжини қондиришга астойдил ҳаракат қилинаяпти. Банк томонидан жорий этилган "Соғлом оила истеъмол кредити" бўлажак ота-она ҳамда туғуруқдан кейинги она-боланинг саломатлигига қаратилган. Унинг моҳияти ёш ота-онадаги хасталиклар, жумладан, бепуштликни даволаш, бўлажак фарзандда ирсий-наслий касалликларнинг олдини олиш, зарур ҳолларда жарроҳликни амалга ошириш, туғуруқдан кейин она ва болада юзага келиши мумкин бўлган асоратларни даволаш, муддатидан олдин туғилган чақалоқларни соғломлаштиришдан иборат.

Кўриниб турибдики, "Ипотека-банк" самарали фаолияти билан юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Зеро, банк жамоаси бундан кейин ҳам "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни, оилалар, айниқса, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, қурилиш ва бунёдкорлик жабҳасидаги ислоҳотлар унумдорлигини ошириш, мўлжалланган истиқболли лойиҳаларни молиялаштиришда мижозларнинг ишончли ҳамкори, мададкори сифатида фаолият юритаверади.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*





XALQ BANKI

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

**АТ Халқ банки**

**«Имкон» лаҳзали, пул ютуқли лотереяси 1-разряд билетларини тайёрлаш ҳамда етказиб бериш бўйича қайта танлов эълон қилади.**

Танловда таклиф этилаётган хизматларни кўрсатувчи чет эл ҳамда маҳаллий фирмалар, ташкилотлар қатнашишлари мумкин.

1. Танлов комиссияси ишчи органи манзили: Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 3-уй.
   Телефонлар: (+99871) 120-17-24, 120-17-49. www.xb.uz
   E-mail: marketing@xb.uz, b.kuchkorov@xb.uz
2. Танлов мақсади: «Имкон» лаҳзали, пул ютуқли лотереяси билетларини тайёрлаш ҳамда етказиб бериш.
3. Танлов ўтказиш шартлари бўйича қўшимча маълумотларни душанба — жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар юқорида кўрсатилган манзил, телефонлар орқали ёки www.xb.uz сайтидан олиш мумкин.
4. Тижорат таклифлари (техник талаблар бўйича алоҳида конвертда, нархлари бўйича алоҳида конвертда корхона муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим) 2016 йил 22 август куни Тошкент вақти билан соат 17.00 гача қабул қилинади.

Хизматлар лицензияланган. 1163А/130

## «REAL ESTATE BUSINESS» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Суд ижрочилари Бухоро шаҳар бўлимининг 2016 йил 28 июлдаги 21699/01-06-сонли буюртма хати ҳамда 2016 йил 14 июлдаги 20-1601/7607-сонли ижро варақасига асосан ундирувга қаратилган, Бухоро вилояти, Бухоро тумани, «Мустақиллик» МФЙ, Мустақиллик кўчасида жойлашган, умумий ер майдони 9 458,662 кв. м.дан иборат бино-иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 700 977 802 сўм.***

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Real estate business» МЧЖнинг АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Бухоро вилояти минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000000485440001, МФО: 00115, СТИР: 303391629, ОКОНХ: 83200.

Юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси, жисмоний шахслар — паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома тақдим қилишлари лозим.

Аукцион савдоси 2016 йил 6 сентябрь куни соат 16.00 да Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават, 407-хонада бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти) қабул қилинади.

Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2016 йил 5 сентябрь куни соат 16.00.

Аукцион савдоси ғолибига 5 банк куни мобайнида сотиб олинган мулк қийматини 100 фоиз тўлаш мажбурияти юклатилади.

**Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 200100, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 14-уй.**
**Телефонлар: (0-365) 221-59-55, (+99893) 383-01-38, (+99893) 383-00-17.**
**www.rieltor-buxara.uz, E-mail: muxabbatka@.list.ru**

Хизматлар лицензияланган. 1155А/528

## «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Яшнобод тумани СИБ томонидан ФИБ Миробод туманлараро судининг 2016 йил 4 апрелдаги 1-1370/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

* Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, «Дўстлик» ҚФЙ ҳудудидаги 3,0 гектар ер майдонида жойлашган, умумий майдони 519,82 кв. м., қурилиш ости майдони 942,52 кв. м. бўлган ғишт ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 648 776 000 сўм.***

* Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Мажнунтол 4-берк кўчаси, 14-уйда жойлашган, умумий майдони 215,72 кв. м., қурилиш ости майдони 331,02 кв. м. бўлган тураржой (ҳовли).

***Бошланғич баҳоси — 340 000 000 сўм.***

Аукцион савдоси 2016 йил 23 август куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqli ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ҳамда аукцион савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона.**
**Телефонлар: (0-371) 249-54-59, 249-53-61.**

1158А/06

Хизматлар лицензияланган.

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

томонидан газетанинг 2016 йил 2 августдаги 148 (6583)-сонида чоп этилган эълондаги «2016 йил 15 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига» жумласи бундан кейин «2016 йил 17 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига», деб ўқилсин.

Хизматлар лицензияланган. 1168R/366

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

02

## Қашқадарё вилояти:

# ТАРАҚҚИЁТ ПИЛЛАПОЯЛАРИ



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

### Кўҳна Шарқ дурдоналари

Пухта меъморий ечим, шарқона жозиба ҳамда замонавий шаҳарсозлик анъаналари... Буларнинг барчаси Қашқадарё вилояти маркази ва Шаҳрисабз қиёфасида ажойиб уйғунлик касб этган. Шу боис бугун ушбу манзиллар нафақат маҳаллий ҳамда хорижлик сайёҳлар билан гавжум гўшаларга, балки йирик мегаполисларга ҳам айланмоқда. Бунда Президентимизнинг 2013 йил 25 июлдаги “Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш Дастури тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 20 февралдаги “Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида объектларни қуриш ва реконструкция қилишга доир комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарорлари муҳим дастуриламал бўлаётир.

— Президентимиз вилоятимизга ташрифи чоғида, буюк аждодимиз Амир Темур ўз даврида жангу жадалларда бирор марта ҳам мағлуб бўлмай, дунёга кимлигимизни намоён қилган бўлса, ҳозир ўз меҳнатимиз, бунёдкорлик салоҳиятимиз, азму шижоатимиз билан жаҳонни лол қолдиришимиз зарур, деб қайд этиб ўтдилар, — дейди вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Шуҳрат Қурбонов. — Муҳими, бунга эришаяпмиз. Мана, юқорида номи келтирилган ҳаётбахш ҳужжатлар воҳамизда бунёдкорлик ишларига янги суръат ҳамда кўлам бағишлади. Натижада ҳар икки шаҳарнинг мутлақо замонавий қиёфасини яратиш, инфратузилмасини бутунлай янгилаш, воҳа марказида умумий қиймати 555 миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширишга киришилди. Бинобарин, Қарши шаҳри ҳудуди 9 минг гектардан 17 минг гектарга кенгайтирилмоқда. Ўзбекистон, Мустақиллик, Амир Темур, Алишер Навоий, Насаф, Хонобод кўчалари атрофидаги эски иморатлар ўрнида уч ҳамда тўрт қаватли муҳташам тураржойлар қад ростлаяпти. Йўл бўйларига ноёб дарахт ва гул кўчатлари ўтқазилаётир. Мусиқали фавворалар бунёд этилмоқда. Қолаверса, ўрнатилаётган ташқи ёритиш ускуналари тунда ҳам Қарши шаҳрига ўзгача тароват бағишлаяпти.

Яқинда Қарши шаҳридаги қадимий Амир Темур кўприги мукаммал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Юртбошимиз ўтган йили 30 июнь куни вилоятга ташрифи чоғида мазкур масканни халқимиз дам оладиган гўзал ҳамда замонавий хиёбонга айлантириш бўйича зарур тавсиялар берган эди. Орадан роппа-роса бир йил ўтгач, давлатимиз раҳбари бу иншоот ва унинг атрофидаги янгиланишларни кўздан кечириб, қисқа муддатда якунига етказилган катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишларини юқори баҳолади.

Кўприк ҳамда унинг атрофида барпо этилган сўлим ҳудудга 4 мингдан ортиқ манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилган. Бундан ташқари, Қашқадарё ҳавзаси тўлиб, мавжланиб оқиши учун унинг ўзанида учта тўғон бунёд қилинди. Қирғоқ бўйидаги эски иншоот ва бинолар ўрнини гўзал хиёбон эгаллади. Дарё соҳилида кемалар учун 4 та тўхташ жойи қурилди. Дам олувчиларга 51 катамаран, 2 та сайёҳлик катери ҳамда 4 та аттракцион келтирилди. Қирғоқ бўйида эса 14 коттеж, 4 кафе-бар, болалар ўйингоҳлари, 4 сунъий қопламали спорт майдончаси қад ростлади. 68 минг квадрат метрга яқин майдонга йўлак қопламалари ётқизилди.

Шаҳрисабзни очиқ осмон остидаги музейга менгзашади. Ўтган чорак асрда бу ерда кўплаб тарихий обидалар, ёдгорликлар реконструкциядан чиқарилди. Жумладан, Оқсарой мажмуаси атрофига, шаҳар кўча ва хиёбонларига Бельгия давлатидан келтирилган дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтқазилди. Шу билан бирга, юқоридаги қарор асосида тасдиқланган махсус дастур доирасида 461 миллиард сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ҳовузи Мардон ва Амир Темур майдонларида эса бундай бунёдкорлик ишлари якунланмоқда.

Тарихий манбаларда келтирилишича, Дорут-тиловат ҳамда Дорус-саодат мажмуалари ўртасида бир пайтлар иккита ҳовуз бўлган. Улардан бири Ҳовузи Мардон деб аталиб, нафақат сув сақлаш иншооти вазифасини ўтаган, балки ўзига хос микроиқлим ҳосил қилган. Бироқ мустабид тузум даврида у кўмиб ташланганди. Бугун ушбу обида қайта тикланди. Ёнидаги сардоба ҳам таъмирланди. Ҳовуз яқинида бешта айвонча бунёд этилди. Эндиликда бу гўша каттаю кичикнинг севимли масканига айланган. Қолаверса, ҳудудда 17 та кўп қаватли тураржой қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Ҳадемай уларнинг биринчи қаватида каштадўзлик, тикувчилик, мискарлик цехлари ишга туширилади. Натижада шаҳарга ташриф буюрувчи меҳмонлар учун совғабоп буюмлар тайёрлаш имконияти юзага келади. Бу эса Шаҳрисабзнинг довруғи дунёда янада кенгроқ таралишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

### Ҳайрат ва ҳавас ифодаси

— Бир гуруҳ франциялик меҳмонлар билан Қашқадарёга келдик, — дейди Самарқанд шаҳридаги “Сарбон-Тур” хусусий сайёҳлик фирмаси гид-таржимони Абдурауф Жабборов. — Ҳозир Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарлари бўйлаб саёҳат уюштираяпмиз. Чет эллик ҳамроҳларим нафақат қадимий обидалар, балки янгидан барпо этилган истиқлол иншоотларига ҳам ҳайрат билан боқиб, эсдалик учун суратга тушмоқда. Кўчаю хиёбонларга экилган ранго-ранг гуллар ҳамда манзарали дарахтларга маҳлиё бўлишаяпти. “Бу қандай бино?”, “Бу ёдгорликни ким қурдирган?”, “Мана бу гул чиройли очиларкан, у қаердан келтирилган?” каби саволларига жавоб берар эканман, шундай буюк юрт фарзанди эканимдан фахрланиб кетаман. Айниқса, уларнинг мустақил Ўзбекистонимиз, бу ердаги ўзгариш ва янгиланишлардан олган бой таассуротларини эшитиб, ғайратимга ғайрат қўшилади.

Абдурауф бизни сайёҳлар билан таништирди. Улардан бири, парижлик ўқитувчи Кристиан Селвиан журналист эканлигимизни билиб, ўз фикрларини завқ-шавқ билан сўзлай кетди:

— Францияда Ўзбекистонга, Ибн Сино, Ал-Хоразмий каби улуғ аждодларингизга қизиқиш катта. Буюк саркарда Амир Темурни эса нафақат мамлакатимиз, балки бутун Европанинг халоскори сифатида биламиз. Шу боис ҳамюртларим шундай алломалар туғилиб voяга етган табаррук заминни бир бориб кўришни орзу қилишади. Мана, бугун мен ҳам ўз мақсадимга эришганимдан мамнунман. Бизга ҳамроҳлик қилаётган таржимон соҳибқирон қурдирган ҳар бир тарихий обида ҳақида батафсил тушунтириш бераяпти. Бу қадимий иншоотлар орадан неча асрлар ўтса ҳамки, ўз салобати ва маҳобатини йўқотмабди. Буюк бобокалонингизнинг “Қудратимизни билмоқчи бўлсангиз, биз қурдирган иморатларга боқинг”, деган ҳикматли гапи тасдиғига ҳар қадамда дуч келаяпман. Жумладан, Қарши ҳамда Шаҳрисабзда муҳташам бинолар, сўлим хиёбонларни кўриб, халқингизнинг меҳнатсеварлиги, бунёдкорлик салоҳиятига тан бердим. Уларнинг юксак марраларга сари дадил интилаётгани ҳар қанча таҳсинга сазовордир.

### Улкан салоҳият ва бекиёс имкониятлар

Истиқлол йилларида вилоят саноати жадал равнақ топмоқда. Биргина ёқилғи-энергетика тизимида салмоқли натижалар қўлга киритилаётир. Хусусан, “Муборакнефтгаз”, “Шўртаннефтгаз”, Муборак газни қайта ишлаш заводларида янги қувватлар ишга туширилди. “Шўртангазкимё” мажмуаси, “Таллимаржон” ИЭС каби йирик мажмуалар фаолияти йўлга қўйилди. “Гиссарнефтгаз”, “Кўкдумалоқгаз”, “Шўртангазмаҳсулот” қўшма корхоналари иш бошлади. Чунончи, Муборак газни қайта ишлаш заводида табиий газни олтингугуртли бирикмадан тозалаш ва қуритиш, техник олтингугурт, барқарорлашган газ конденсати ҳамда суюлтирилган газ ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳалар рўёбга чиқарилди. Ҳозир ҳам бу ерда техник ва технологик янгиланишлар орқали маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш, электр энергияси сарфини камайтириш ишлари изчил давом эттирилаяпти.

Қолаверса, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи қурилди. Бу ерда қишлоқ хўжалиги учун ўта зарур бўлган калий ўғитлари ишлаб чиқарилиб, унинг бир қисми экспорт қилинаяпти.

Хусусий секторда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳам юртдошларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаётир. Ишбилармонларимиз ўз сармоясини, ҳеч иккиланмай, бизнесини ривожлантириш ва янги иш ўринлари яратишга йўналтирмоқда.

— Воҳамиз иқтисодиёти ривожида кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси тобора ортиб бораяпти, — дейди вилоят ҳокимлиги ҳудудларни комплекс ривожлантириш йиғма бошқармаси бошлиғи Рустам Азимов. — Хусусан, 2000 йилда ушбу соҳа вакилларининг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 25,8 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб 51,6 фоизга етди. Қашқадарёлик ишбилармонлар томонидан тайёрланаётган мармар ванна, мармар плита, лок-бўёқ, мебель ашёлари, йўлак қопламалари, микрокальцит, полиэтилен қувурлар ва тўқимачилик буюмлари рақобатдошлиги билан нафақат ички, балки ташқи бозордан ҳам мустаҳкам жой эгаллаётир. Тадбиркорларимиз томонидан, айниқса, озиқ-овқат, чарм-пойабзал маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, мева-сабзавотларни қуритиш ҳамда қадоқлаш бўйича кўплаб лойиҳалар рўёбга чиқарилаяпти. Ваҳолонки, бундай товарлар мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида юртимизга хориждан келтириларди.

— Тадбиркорликка 2011 йилда қўл урганман, — дейди Яккабоғ туманидаги “Ғозлиқ мўъжизаси” хусусий фирмаси раҳбари Муродилла Тожиев. — Аввалига кўнгилда ҳадик бор эди. Чунки бошлаган бизнесимизга бор-будимизни тиккандик. Дастлаб кичик сармоя эвазига пахта тойлаш цехи фаолиятини йўлга қўйдик. Қишлоғимиз одамларини ишга олдик. Бора-бора мижозларимиз ва даромадимиз кўпая бошлади. Шу ҳисобдан илғор ускуналар харид қилиб, корхонамиз қошида қурилиш материали — шлакоблок ишлаб чиқаришга киришдик. Эътиборлиси, тадбиркорлик ҳаётимда ҳам туб бурилиш ясади. Оилавий шароитимиз янада яхшиланди. Янги машинали бўлдик. Уй-жойимизни таъмирдан чиқардик. Хўш, илгари шундай имкониятлар бормиди?! Ўша даврларда мулкдор бўламан, деган киши жиноятчи саналарди. Ҳозир-чи? Қаранг, қишлоқдошларимиз биздан ўрнак олаяпти. Фойдали ишнинг бошини тутаяпти. Пировардида янги-янги тадбиркорлар пайдо бўлмоқда.

“Халқимиз — истеъдодли халқ, у замонавий ишлаб чиқаришни, электроникани, ускунасозликни, илм-фан ва меҳнат сарфи кўплаб талаб қилинадиган бошқа саноат тармоқларини ўзлаштириб олишга қодир”. Ўтган асрнинг 80-йиллари охирида Ислом Каримов томонидан билдирилган ушбу фикрлар кўп ўтмай амалда ўз тасдиғини топди. Истиқлол шарофати билан мамлакатимизда мавжуд хом ашёни комплекс қайта ишлаш, уни шу ернинг ўзида тайёр маҳсулотга айлантириш тармоқлари, инфратузилма объектлари бунёд этилди. Чекка ҳудудларда ҳам истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган саноат субъектлари фаолиятига кенг йўл очилди. Ишсизликка барҳам берилди. Аҳоли реал даромадлари ўсди. Бозорларимиз файзу баракаси таъминланди.

Қисқача айтганда, Қашқадарёда узоқни кўзлаб олиб борилган кучли ижтимоий сиёсат мустақил Ўзбекистоннинг ривожланиш асосларини ишлаб чиқиш ҳамда ҳаётга жорий этишда ўзига хос тамал тоши бўлди. Ватанимиз тараққиётнинг “ўзбек модели”, унда белгилаб берилган беш машҳур тамойил асосида чорак аср давомида жаҳондаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлади. Бугун қашқадарёликларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, шу юрт равнақига ўз ҳиссасини қўшаётганидан мамнунлигини таъкидлайди. Қўлга киритган муваффақият ҳамда ютуқлари билан фахрланади. Ҳаётининг кейинги йигирма беш йилидаги ўзгариш ва янгиланишларни мўъжизага қиёслайди. Бу истиқлол меваси, у бахш этган бебаҳо саодатдир.



Шомурот ШАРАПОВ ва Собир НАРЗИЕВ олган суратлар.

**Фаррух БЎТАЕВ,**
**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

## Шифобахш зираворлар — экспортга

*Янгийўл туманилик тадбиркор Александр Элмуродов “Омега зираворлари” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этаётганда, ташқи бозорга ҳам чиқишни ният қилган эди.*

ИНТИЛИШ

Шу боис бу ерда қадоқланаётган зираворлар ёрлиғига “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” деган ёзувни ҳам киритди.

— Таомларга ўзгача таъм бағишлайдиган бундай неъматларни хорижликлар ҳам жуда ёқтиради, — дейди тадбиркор. — Шу боис уларни қайта ишлашда шарқона анъаналарга амал қилаяпмиз. Бунда Жанубий Корея ва Хитойдан келтирилган махсус технологик линия ҳамда дастгоҳлар асқатмоқда. Ҳозир жамоамиз сафида меҳнат қилаётган 15 нафар мутахассис томонидан 100 хилдан зиёд ўсимликлар, шу билан бирга, қуритилган табиий сабзавот, илдизмева ва ошкўкдан тайёрланаётган зираворларнинг 70 хилга яқини қадоқланаяпти.

Айни пайтда тадбиркор ўз маҳсулотларини экспорт қилиш мақсадида чет эллик шериклар билан музокаралар олиб бормоқда.

**Раҳматилла ШЕРАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

**«VIP REAL ESTATE» МЧЖ**

**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2016 йил 24 август куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2012 йил 12 ноябрдаги УСК-1-431/2012-сонли ижро варақасига асосан, Бўстонлиқ тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимён қишлоғида жойлашган, умумий ер майдони 881,0 кв. м., қурилиш ости майдони 295,5 кв. м.дан иборат бўлган рақамсиз уйдаги дала-ҳовли такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 434 408 394 сўм.***

**2016 йил 6 сентябрь куни соат 12.00 да мулк бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:**

● ФИБ Учтепа туманлараро судининг 2015 йил 7 июлдаги 1-586/2015-сонли ижро варақасига асосан, Чилонзор тумани СИБ томонидан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Гулистон мавзеси, 3-уйда жойлашган, фойдаланиш майдони 37,60 кв. м., умумий яшаш майдони 23,27 кв. м. бўлган, 2 хонадан иборат 2-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 86 338 050 сўм.***

**Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан хатланган:**

● Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 24-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 8-квартал, 45-уйда жойлашган, умумий майдони 76,74 кв. м., яшаш майдони 38.10 кв. м. бўлган, 3 та хонадан иборат 56-хонадон (тикув цехи).

***Бошланғич баҳоси — 118 971 554 сўм.***

● Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 27-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Нукус кўчаси, 16-уйда жойлашган, умумий майдони 95,0 кв. м., фойдаланиш майдони 69,44 кв. м.дан иборат кўчмас мулк (офис).

***Бошланғич баҳоси — 277 228 506 сўм.***

● Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 25-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирobод тумани, Катта Миробод 1-тор кўчаси, 5/1-уйда жойлашган, умумий майдони 44.12 кв. м., яшаш майдони 18,38 кв. м. бўлган, 1 хонадан иборат 81-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 73 759 674 сўм.***

● Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 19-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Афросиёб кўчаси, 33-уйда жойлашган, умумий майдони 69,10 кв. м., яшаш майдони 45,60 кв. м. бўлган, 3 хонадан иборат 33-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 178 348 574 сўм.***

● Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Шароф Рашидов кўчаси, 16-уй, 7-қаватда жойлашган, умумий майдони 119,29 кв. м.дан иборат 153-хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 243 385 890 сўм.***

● Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2015 йил 27 ноябрдаги 26-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чимён» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 286,20 кв. м., яшаш майдони 173,7 кв. м.дан иборат дала-ҳовли.

***Бошланғич баҳоси — 393 670 782 сўм.***

**Суд департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2011 йил 21 октябрдаги 1-531/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган:**

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Олтинтепа кўчаси, 202-уйда жойлашган, умумий майдони 184,2 кв. м.дан иборат хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 355 817 000 сўм.***

Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Подшобоғ кўчаси, 61 — 63-уйларда жойлашган, умумий майдони 1090,0 кв. м.дан иборат 2 қаватли хонадон.

***Бошланғич баҳоси — 1 900 129 000 сўм.***

Савдога қўйилган мулклар билан Суд департаменти вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоси ғолиби савдо ўтган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни мобайнида мулк учун тўловларни амалга ошириши лозим. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва аукцион савдосидан бир кун олдин соат 12.00 да тўхтатилади. Талабгорлар тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 20 (йигирма) фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ҳамда санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчисининг АТБ «InfinBANK»даги МФО: 01041, СТИР: 302681189, 20208000600250595001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва ариза билан қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак:

жисмоний шахслар — паспорт нусхаси; юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати; чет эл юридик ва жисмоний шахслари — сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумот.

Қўшимча хизматлар кўрсатиш учун тўлов олинади.

**Манзил: Тошкент шаҳри,**
**Амир Темур 1-тор кўчаси, 6-уй.**
**Телефон: (0-595) 143-0-143.**
**e-mail: info@realtors.uz www.realtors.uz**

1156R/465

Хизматлар лицензияланган.

**«TOU Ko.LTD» Ўзбекистон — Корея Республикаси қўшма корхонаси**

**махсус қурилиш техникаларини таклиф этади.**

**«UNIVERSAL SERVICES of CENTRAL ASIA» хорижий корхонаси**

**махсус қурилиш техникалари эҳтиёт қисмларини ва сервис хизматларини таклиф этади.**






Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияланган.

**Манзил: 100039, Тошкент ш., Юнусобод т., Чинобод к., 87-уй.**

**Савдо бўлими**
**Тел.: (+99871) 200-00-27/28.**
**(+99890) 805-60-52/53.**
**E-mail: doosansales@uztow.com**

**Сервис хизмати**
**Тел.: (+99871) 200-00-26,**
**(+99890) 189-71-54, 968-71-79.**
**E-mail: servicedoosan@uztow.com**

150R/295


Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Автотрактор двигателлари ва транспорт экологияси кафедраси доценти **Ниғмат Назриллаевич МАННОНОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жамоаси Араб филологияси кафедраси ўқитувчиси Сарвиноз Қосимовага отаси **Сайфулла РАҲМАТУЛЛАЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 76 056 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона (0-371) 233-52-55;*
*Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

**Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.**
**Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.**

**Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.**

**Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.**

**• МАНЗИЛИМИЗ:**
**100000,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.**
**Навбатчи — О. Файзиев.**
**Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.40 Топширилди — 00.40** 1 2 3 4 5 6